

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ СОҲАВИЙ ХИЗМАТЛАРДАН  
БИРИ БЎЛГАН ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТИКА ХИЗМАТИ БИЛАН  
ҲАМКОРЛИГИ ВА ЭКСПЕРТИЗА ТУРЛАРИ**

**Саттарова Гулираъно Обид қизи**  
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси**  
**З босқич 317-туруҳ курсанти**

**Аннотация:** Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятида соҳавий хизматлар билан ҳамкорлиги юзасидан амалга ошириши лозим бўлган ишлар юзасидан қисқача маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** профилактика инспектори, эксперт-криминалистика, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ҳамкорлик, ҳуқуқ –тартибот маскани.

**Annotation:** Brief information is given on the work that the prevention inspector should do in connection with the cooperation with industry services in the prevention of violations.

**Key words:** prevention inspector, expert-criminology, crime prevention, cooperation, law and order center.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда энг асосий ваколатли субъектлардан бири бўлиб, ўз фаолияти жараёнида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга баҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик чора-тадбирларни амалга оширишда бевосита давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш бошқариш органлари, аникроқ айтганда, жамоат тузилмалари ва соҳавий хизмат ходимлари билан ҳамкорлик қиласи.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уни мутлақо янги, замонавий босқичга кўтариш, соҳа ходимларининг ахоли билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Барчангизга маълумки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарали ташкил этилиши халқимиз фаровонлиги ва мамлакатимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис

хукуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантиришнинг амалий механизмларини тадқик этиш, соҳада мавжуд муаммолар ечими юзасидан амалий ва назарий таклиф ва тавсиялаш ишлаб чиқиш, айниқса, бу борада масъул хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва олий юридик таълим муассасалари ҳамкорлигини жадаллаштириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

**Хукуқбузарлик профилактикасидаги ҳамкорлик** – бу маъмурий ҳудудда криминоген вазиятни доимий равишда таҳлил қилиб бориши, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий-рухий муҳитни соғломлаштириш, криминоген омиллар таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш, ўзининг хулқи, ҳаёт тарзи бўйича жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга тарбиявий профилактик таъсир кўрсатиш, содир этилган жиноятларни очиш, қидирудаги жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш, хукуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча субъектларнинг қонун ва қонуности хужжатларида белгиланган ваколатлар, усул ва шакллар асосида келишилган тартибда биргаликда фаолият олиб бориши жараёнидир<sup>10</sup>.

Профилактика инспекторларининг малакаси ва профессионал маҳоратини ошириш ғоят муҳим вазифалардан биридир. Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориши, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш – ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи лозим»<sup>11</sup>. Профилактика инспекторларининг соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий йўналишлари ҳамкорликка киришувчи субъектларга юклатилган вазифалар кўламидан келиб чиқади.

Профилактика инспектори барча соҳавий хизмат билан ҳамкорликни амалга оширганганда тегишли хужжатларни расмийлаштиради. Яъни, профилактика инспектори билан **эксперт-криминалистика хизмати** ходимининг ҳамкорлиги қуидагиларда намоён бўлади:

– профилактика инспектори ҳодиса содир бўлган жойга биринчи бўлиб етиб келганда тергов-тезкор гурухи етиб келгунга қадар, ҳодиса жойидаги далиллар ва излар йўқолиб кетмаслиги ёки зарар етказмаслик мақсадида, уларни қўриқлайди ҳамда тергов-тезкор гурухи етиб келгач унинг

<sup>10</sup> Ж.С.Мухторов. «Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишини таъминлаш» номли Юрид. фан. номзоди. Дис. Т, 2.

<sup>11</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда. – 2019 йил. – 25 октябрь

таркибидаги эксперт-криминалистика хизмати ходимига керакли маълумотларни беради;

– ахолининг бармок изларини дактокартага олиш ва бу бўйича маълумотлар банкини яратиш мақсадида эксперт-криминалистика хизмати ходими махалла хукуқтартибот маскани (МХТМ)да иш олиб борганда, профилактика инспектори унга ёрдам кўрсатади, жумладан бармок изларини дактокартага олиш учун фукароларнинг келишини таъминлайди;

– Тошкент шаҳрида республиканинг бошқа вилоятларидан келиб жиноят содир этаётган шахсларнинг сони йилдан йилга кўпайиб бораётганини инобатга олиб, пойтахт профилактика инспекторлари эксперт-криминалистика хизмати ходимлари билан ҳамкорликда муқаддам судланган, профилактик ҳисобда турган, ички ишлар органларига хукуқбузарликлар содир этгани ва бошқа сабабларга кўра олиб келинган шахсларнинг фотосуратларини олиш, дактолокарталарини тўлдириш чораларини кўрадилар;

– эксперт-криминалистика хизмати ходимлари профилактика инспекторларига зарур ҳолларда жиноят ва маъмурий хукуқбузарлик ишларига алоқадор излар ва далилларни аниқлаш, олиш, уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ҳамда фойдаланишига доир зарур маҳсус билимларни ўргатиб борадилар.

Профилактика инспектори эксперт-криминалистика хизмати ходимларидан бу борада ўрганган билимлардан ўз фаолиятида фойдаланиш бўйича маҳоратини ошириб боради. Эксперт-криминалистика хизмати ходимлари жиноятга алоқадор излар ва далиллар бўйича экспертизалар ва тадқиқотлар ўtkазиш жараёнида аниқланган ҳолатларга асосланиб, жиноятларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар хақида худуд профилактика инспекторига зарур маълумотларни беради. Худуд профилактика инспектори олинган маълумотларга асосланиб, бундай турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш чораларини кўради:

– худудда йирик оммавий тадбирлар, жумладан спорт мусобақалари ўтказилётган вақтда оммавий тартибсизлик ва гурӯхий тартиббузарликлар келиб чиқишининг олдини олиш, бундай ҳолатлар юзага келганда унинг ташкилотчилари ва фаолларини аниқлаш мақсадида, эксперт-криминалистика хизмати ходимлари жамоат тартибини сақлаш тадбирларини криминалистиктехник воситалар билан таъминлаш бўйича худуд профилактика инспекторига ёрдам кўрсатади. Эксперт-криминалистика хизмати ходимлари ва профилактика инспекторлари

ходиса жойида терговга қадар текширув органлари сифатида хизмат олиб боради. Шу сабабли экспертизанинг барча турларидан фойдаланадилар. Профилактика инспекторларининг давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ҳамда ахоли билан ҳамкорлигини ташкил этиш қуйидаги йўллар билан амалга оширади:

- хукуқбузарликлар профилактикаси, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича қўшма тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш;

- коллегиал қарорларни талаб қилувчи вазифалардан келиб чиқиб қўшма йигилишлар ўтказиш;

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хукуқбузарликлар профилактикаси фаолияти натижалари ҳақида хабардор қилиб бориши;

- фаолиятга баҳо бериш ва биргаликда амалга оширилган ишлар натижаларини ҳисобга олиш;

- ҳамкорликни ташкил этишининг илғор шакллари ва усулларини умумлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, профилактика инспектори ўз фаолиятини амалга оширишда фақатгина соҳавий хизматлар билан ҳамкорлик қилибгина қолмасдан, ҳудудидаги барча корхона, муассаса, ташкилотлар билан ҳам ҳамкорликги амалга оширади. Бунда ҳамкорликнинг даражаси, доираси ва хусусиятидан келиб чиқиб, конунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларни ҳам амалга оширади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ж.С.Мухторов. «Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш» номли Юрид. фан. номзоди.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // Постда.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуни.
4. <http://lex.uz>
5. [http://yuridik\\_norma.uz](http://yuridik_norma.uz)
6. yuridik adabiyotlar